

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамиятнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида:

- лотин алифбосида- «HAMRON INVEST» aksiyadorlik jamiyati;
- кирилл алифбосида- «HAMRON INVEST» акциядорлик жамияти;

Қисқартирилган номи:

- лотин алифбосида- «HAMRON INVEST» AJ;
- кирилл алифбосида- «HAMRON INVEST» АЖ;

Рус тилида: Акционерное общество «HAMRON INVEST».

Қисқартирилган номи: АО «HAMRON INVEST».

Инглиз тилида: «HAMRON INVEST» Stock Company.

Қисқартирилган номи: «HAMRON INVEST» SC.

1.2. Юридик манзили: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Нукус кўчаси, 37 уй.

1.3. Электрон почта манзили: hamroh_invest@mail.ru

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. «HAMRON INVEST» акциядорлик жамияти (кейинчалик матни бўйича «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, ушбу Уставга асосан ҳаракат қиладиган акциядорлик жамиятидир.

2.2. Жамият юридик шахс ҳуқуқларига давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан бошлаб эга бўлади ва ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.3. Жамият фаолияти муддати чекланмаган.

2.4. «HAMRON INVEST» акциядорлик жамияти қайта ташкил этиш жараёни натижасида «HAMRON INVEST» Инвестиция фонди ОАЖ ва “Komsat Invest” MChJ Бошқарув компанияси негизида ташкил этилган ва ушбу корхоналарнинг ҳуқуқий ворисидир.

2.5. Жамият белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида банкда ҳисоб варақаларни очишга ҳақлидир.

2.6. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери курсатилган юмалоқ муҳрига эга, ўз номи ёзилган штамп ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

III. ЖАМИЯТНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

3.2. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

3.3. Акциялар ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида жавобгар бўладилар.

3.4. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.5. Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

IV. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДИ

4.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади турли бизнес лойиҳаларига, қимматли коғозларга, банк депозитларига, кўчмас мулкларга, мулкнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналар устав фондларига ва амалдаги қонунчилик томонидан таъқиқланмаган ҳар қандай объектларга фойда (даромад) олиш мақсадида ўзининг эркин (бўш) маблағларини киритиш, яъни инвестиция қилишдан иборат.

4.2. Жамият фаолиятининг предмети қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқарида биржа ва биржадан ташқари бозорларда қимматли қоғозлар билан операциялар;
- мулкнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналарнинг бизнес лойиҳалари, устав фондларига, банк депозитларига, кўчмас мулкларга, шунингдек бошқа барча бизнес объектларига маблағлар киритиш;
- мулкнинг ҳар қандай шаклидаги корхоналар лойиҳалари, қимматли қоғозлари, улуш, ҳиссалари ва ҳар қандай бошқа инвестиция фаолияти объектларига инвестициялар киритиш;
- дилерлик ва брокерлик фаолияти;
- акцияларига ўзи эгалик қилаётган корхоналарнинг бошқарув органларида иштирок этиш;
- андеррайтерлик фаолияти;
- кўчмас мулк билан операциялар;
- савдо операциялари, шу жумладан улгуржи савдо;
- бинолар, хоналар ва бошқа кўчмас ва кўчар мулкларни ижарага бериш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- аҳолига маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари билан хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш;
- юридик ва жисмоний шахсларга маълумотномалар бериш, матн кўчириш, ҳужжатларни барча хорижий тиллардан рус, узбек, инглиз ва бошқа тилларга таржима қилиш, аксинча таржима қилиш, легализация қилиш учун ҳужжатлар тўпламини йиғишда амалий ёрдам кўрсатиш, Адлия Вазирлиги ва Ташқи ишлар Вазирликларига тақдим этилувчи ҳужжатларни қонунийлаштиришда хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турали билан шуғулланиш.

4.3. Амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган фаолият турлари амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда лицензия олинганидан сўнг амалга оширилади.

V. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ ВА АКЦИЯЛАРИ

5.1. Жамиятнинг устав фонди жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарган барча акцияларнинг номинал қиймати 350 сўмни ташкил этади.

5.2. Жамият устав фондини микдори – 593 744 900 (беш юз тўқсон уч миллион етти юз қирқ тўрт минг тўққиз юз) сўм.

5.3. Жамиятнинг устав фонди номинал қийматининг ҳар бири 350 сўмдан бўлган 1 696 414 (бир миллион олти юз тўқсон олти минг тўрт юз ўн тўрт) дона овоз бериш ҳуқуқи бир хил бўлган оддий эгаси ёзилган акцияларга тенг тарзда бўлинган.

5.4. *Жамият ўз жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда ҳар бирининг номинал қиймати 350 сўм бўлган жами 11 000 000 (Ўн бир миллион) дона умумий 3 850 000 000 (Уч миллиард саккиз юз эллик миллион) сўмлик оддий эгаси ёзилган акциялар (эълон қилинган) чиқариб жойлаштириши мумкин.*

5.5. Жамият қўшимча акцияларини тўлаш шакли ва муддатлари уларни

жойлаштириш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, ушбу муддат улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб узоғи билан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Жамият акцияларини тўлаш пуллар, қимматли қоғозлар, пул баҳосига эга бўлган бошқа мулк хуқуқлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

VI. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ

6.1. Жамият устав фонди кўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2. Жамият устав фондини кўшимча акциялар чиқариш йўли билан кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

6.3. Кўшимча акциялар фақат жамиятнинг ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида жойлаштирилиши мумкин.

6.4. Жамиятнинг устав фондини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

VII. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КАМАЙТИРИШ

7.1. Жамият устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

7.2. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

7.3. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

8.1. Жамият акциядорлари куйидаги хуқуқларга эгадирлар:

- Жамият акциядорлари реестрига киритилиш;
- Жамият акциядорлари реестридан ўзлари ҳақида қимматли қоғоз ҳисобланмайдиган кўчирмалар олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг ушбу уставига мувофиқ жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш.
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қоплашини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

Акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида ва жамиятнинг ушбу уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

8.2. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

IX. ЖАМИЯТНИНГ ЎЗ АКЦИЯЛАРИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йиғилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир қисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондиди камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан жамиятнинг устав фондиди камайтириш тўғрисида қабул қилинган қарори асосида жамият томонидан олинган акциялар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда олинандиган акцияларнинг турлари, жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони, акцияларни олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда олинishi белгилаб қўйилиши керак.

Акцияларни олиш вақтида уларга ҳақ тўлаш пул маблағлари билан амалга оширилади. Акцияларни олиш муддати акцияларни олиш тўғрисидаги қарор билан белгиланади, бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор қийматига мувофиқ белгиланади.

Қайси муайян турдаги акцияларни олиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, ўша акцияларнинг эгаси бўлган ҳар бир акциядор мазкур акцияларни сотишга ҳақли, жамият эса уларни олиши шарт. Агар жамият томонидан олинishi тўғрисида акциядорларнинг аризалари тушган акцияларнинг умумий сони ушбу моддада белгиланган чекловлар ҳисобга олинган ҳолда жамият олиши мумкин бўлган акцияларнинг сонидан ортиқ бўлса, акциядорлардан аризада кўрсатилган талабларга мутаносиб равишда акциялар олинади.

Акциялар олинандиган муддат бошланишига кечи билан ўн кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларни жамият томонидан акциялар олинishi тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириш орқали хабардор этиши шарт. Билдиришномада ушуб уставнинг 9.2. модданиг иккинчи хатбошисида курсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

9.3. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди.

Кейинчалик қайта сотиш мақсадида жамият тасарруфига ўтган акциялар улар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондиди камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

Жамият томонидан ўз акцияларининг олинishi, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, мустақил равишда ёки қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари орқали амалга оширилади.

Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайтариб сотиб олиш шarti билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга

ҳақли эмас.

Х. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Жамият фойдасининг (даромадининг) амалдаги қонунчиликка биноан солиқлар тўланганидан сўнг қолган қисми-соф фойда жамият эғалигида қолади ва жамият фондларини ташкил этиш ва акциялар бўйича дивидендлар тўлаш учун сарф этилади.

10.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

10.3. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

10.4. Соф фойда ҳисобидан жамият томонидан жамият акциядорлари умумий йиғилиши билан белгиланадиган заҳира ва бошқа жамият фаолияти учун зарур бўлган фондлар ташкил этилади. Заҳира фонди жамият устав фондининг 15% миқдорида тузилади. Заҳира фонди ушбу уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар жамият ҳар йили соф фойданинг 5% миқдорида заҳира фондига ажратмалар ўтказиб боради. Жамият заҳира фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акцияларини сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга булган акциядорларнинг талабига биноан акцияларини сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.5. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

10.6. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

10.7. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

10.8. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

10.9. Акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилидиган расмий эълон қилинган санадан 3 иш кун олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга булади.

10.10. Эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

10.11. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши белгиланган муддатларда дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда, тўланмаган ва тўлиқ олинмаган дивидендлар юзасидан Марказий банк белгиланган такрор молиялаш ставкалари бўйича

пеня ёзилади.

10.12 Жамият томонидан ҳисобланган дивидендларни ва пеняларни тўлашни акциядор суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

10.13. Муомалага чиқарилмаган ёки жамият балансида ҳисобда турган акциялар бўйича дивидендлар тўланмайди.

10.14. Жамият:

- жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

- агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу уставнинг 10.14. бандида кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

10.15. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва жамиятнинг расмий веб-сайтларида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

10.16. Дивидендларга солиқ солиш солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади ва бунда солиқ солиш бўйича имтиёзлар белгиланиши мумкин.

XI. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1. Акциядорлик жамиятининг акциядорлар умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва жамиятнинг ижроия органи – директор (ишончли бошқарувчи) бошқаради.

11.2. Акциядорлар умумий йиғилиши жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади.

11.3. Жамият ҳар йили акциядорлар умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

11.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, бироқ молия йили якунланганидан сўнг олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Кузатув кенгашини сайлаш, Директор (ишончли бошқарувчи) билан тузилган шартномани узайтириш (қайта тузиш) ёки тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек, жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни 59-моддаси биринчи қисми ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбошисига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади.

11.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғишлар навбатдан ташқари йиғилишлардир.

11.6. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларга йиғилишни ўтказиш санаси тўғрисида хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этиладиган материаллар (ахборотнинг) рўйхати жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

11.7. Акциядорлар умумий йиғилиши жамият фаолиятига тегишли ҳар қандай масалалар юзасидан «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом»да белгиланган тартибда қарорлар қабул қилишга ҳақли.

11.8. Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни жамият кузатув кенгаши амалга оширади, кузатув кенгаши 7 (етти) аъзодан ташкил топади.

11.9. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши

томонидан Жамият акциядорлари орасидан қонунчилик ва ушбу уставда назарда тутилган тартибда 3 (уч) йил муддатга сайланадилар. Кузатув кенгаши таркибига энг кўп овоз олган номзодлар сайланган ҳисобланадилар. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

11.10. Директор (ишончли бошқарувчининг раҳбари) ва жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари бўлиши мумкин эмас.

11.11. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

11.12. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.

11.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, жамият акциядорлари умумий йиғилишида раислик қилади, ҳужжатларга имзо чекади ва уларнинг тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

11.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзосининг, жамият ижроия органининг талабига биноан чақирилади.

11.15. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу уставнинг 11.8. бандида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб қолса, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг ана шундай фавқулодда (навбатдан ташқари) умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

11.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошка аъзосига беришга йўл қўйилмайди.

11.17. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда жамият кузатув кенгаши раиси ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга бўлади.

11.18. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

11.19. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар булади.

11.20. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

11.21. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

11.22. Кузатув кенгаши ўз фаолиятини акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Кузатув кенгаши тўғрисидаги низом»га мувофиқ амалга оширади.

11.23. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Директор (ишончли бошқарувчи) томонидан амалга оширилади.

11.24. Директор (ишончли бошқарувчи)нинг жамият олдидаги жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, мазкур Устав ва «Жамиятнинг ижро органи тўғрисидаги низом» ва унинг жамият билан 3 (уч) йил муддатга, ҳар йили узайтириш (қайта тузиш) ёки тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда тузадиган шартномаси асосида тартибга солинади. Директор (ишончли бошқарувчи) билан шартномани жамият номидан кузатув кенгаши раиси ёки жамият акциядорлари умумий йиғилиши ушбу вазифа учун ваколатлаган шахс имзолайди.

11.25. Директор (ишончли бошқарувчи)нинг ваколатларига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.26. Директор (ишончли бошқарувчи) акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилшини ташкил этади.

11.27. Директор (ишончли бошқарувчининг раҳбари) жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

11.28. Директор (ишончли бошқарувчи)нинг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш, унга тўланадиган меҳнат ҳақи (хизмат ҳақи) ва бошқа ҳақлар миқдорини белгилаш жамият кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

11.29. Директор (ишончли бошқарувчи) билан тузиладиган шартномада унинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан мажбуриятлари назарда тутилади.

11.30. Директор (ишончли бошқарувчи) ва жамият ўртасида муносабатлар мазкур Устав, у билан тузиладиган шартнома ҳамда қонунчилик томонидан тартибга солинади.

11.31. Директор вазифасини ҳамда бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозимларни ўриндошлик йўли билан бир шахснинг эгаллашига кузатув кенгаши розилиги билангина йўл қўйилади, Жамият таъсисчи еки акциядор/иштирокчи сифатида қатнашаётган корхоналарнинг бошқарувида иштирок этиш ҳоллари бундан мустасно.

11.32. Жамият Кузатув кенгаши директор (ишончли бошқарувчи) билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

11.33. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил қилиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини(тугатиш комиссиясини) тайинлаш ва оралик ҳамда якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг Устав фондиди камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш

- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- жамият фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни (низомларни) тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаштириш ва йириклаштириш;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9 бобларида разарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият кузатув кенгаши шунингдек жамият санок комиссиясига тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорини тасдиқлаш;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

11.34. Умумий йиғилишнинг ваколат доирасига кирувчи масалалар жамиятнинг ижро органига ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

11.35. Умумий йиғилишда овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига жамиятнинг оддий акциялари эгалари эга. Ҳар бир акциядор унга тегишли акциялар сонига тенг овозлар сонига эга.

11.36. Жамиятнинг оддий акцияси овоз берувчи акция ҳисобланади.

11.37. Акциядорлар умумий йиғилишининг овоз беришга қўйилган масала бўйича қарори йиғилишда иштирок этадиган жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11.38. Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш «жамиятнинг битта овоз берувчи акцияси – битта овоз» тамойили бўйича амалга оширилади, жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш, шунингдек қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

11.39. Қуйидаги масалалар юзасидан қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади:

- жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил қилиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ва оралик ҳамда якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Йирик битим тузиш масаласи бўйича жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кузатув кенгашининг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши;

- Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор.

11.40. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоиздан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг [62-моддасида](#) назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

11.41. Акциядорларнинг ҳисобот умумий йиғилиши ҳар йили молия йили яқунланганидан сўнг узоғи билан олти ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг ҳисобот умумий йиғилишида албатта жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа масалалар кўриб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади. Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас.

11.42. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

11.43. Умумий йиғилишни ўтказиш, ўтказиш тартиби, унинг ваколатлари мазкур устав ва «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низом» билан белгиланади.

11.44. Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

- йиллик ва навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилишларини чақириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг [65-моддаси](#) ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг [59-моддаси](#) биринчи қисми иккинчи хатбошида кўзда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

- мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш ;

- жамият Устав фондини қўшимча акциялар чиқариш йўли билан қўпайтириш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, шунингдек жамият устав фондини ошириш билан боғлиқ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш,

- қўшимча акциялар чиқариш ҳамда жамият қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш ҳамда уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

- жамиятнинг ижро органи – Директори (ишончли бошқарувчиси)ни тайинлаш (сайлаш), унинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акциялар бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган ҳамда уюшмаган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тугрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тугрисида қарор қабул қилиш;

- жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг кейинги йилга мўлжалланган бизнес-режаси жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирилмасдан тасдиқланиши лозим;

- жамиятнинг ижро органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорларини белгилаш;

- жамият ижро органи фаолиятига тегишли ҳар қандай ҳужжатлар билан танишиш, ва Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган мажбуриятларни ижро этиш учун уларни ижро органидан олиш. Олинган ҳужжатлар Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадларида ишлатилиши мумкин;

- жамият Кузатув кенгаши, ижро органи, шунингдек санок комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорлари бўйича тавсиялар бериш;

- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

- акциялар бўйича тўланадиган дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил қилиш;

- жамиятнинг шуъба ва тоъбе корхоналарини ташкил қилиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ва жамият устави билан Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

11.45. Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижро органига берилиши мумкин эмас.

11.46. Директор (ишончли бошқарувчи) ваколатига жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг алоҳида ваколатларига кирувчи масалалар бундан мустасно. Директор (ишончли бошқарувчи) қонунчилик ва «Жамиятнинг ижро органи тўғрисидаги низом»га мувофиқ умумий йиғилиш ва Кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради.

11.47. Директор (ишончли бошқарувчининг раҳбари) амалдаги қонунчилик ва мазкур уставга мувофиқ ўз ваколатлари доирасида:

- жамият номидан ишончномасиз фаолият олиб боради, уни Ўзбекистон Республикаси ва чет эллардаги барча муассасалар, корхона ва ташкилотларда ифода этади;

- жамиятнинг фаолият дастурига мувофиқ ишга тезкор раҳбарликни амалга

оширади;

- жамият Кузатув кенгаши йиғилишларида (зарур ҳолларда ва Кузатув кенгашининг таклифи бўйича) иштирок этади;
- унга берилган ҳуқуқлар доирасида жамият мулки, жумладан молиявий маблағларни тасарруф этади;
- жамиятнинг тезкор, хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида бажариладиган битимларни тузиш бўйича қарорлар қабул қилади;
- жамият фаолияти Бизнес-режаси лойиҳаларини, шунингдек Бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги чораклик ҳисоботларни, жумладан молия йили якунланганидан сўнг узоғи билан уч ойда Кузатув кенгашига келишиш учун ва акциядорлар умумий йиғилишига тасдиқлаш учун, шунингдек йиллик баланс, йиллик ҳисобот ва молиявий режа бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этади;
- жамият Кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган бош стратегик фаолият йўналишига мувофиқ битимларни амалга оширади ва шартномалар тузади, ва бошқа юридик ҳаракатларни содир этади, ишончномалар беради;
- банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобрақамлар очади;
- ички меҳнат тартиби қоидаларини тасдиқлайди ва ушбу тартибга риоя қилинишини таъминлайди;
- тузилмавий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;
- жамиятнинг штатини тасдиқлайди;
- ишга қабул қилади ва жамият ходимлари билан меҳнат шартномаларини тугатади, уларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ рағбатлантириш ва жазолаш чораларини қўллайди;
- жамиятнинг ички фаолиятига оид тезкор масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади ва буйруқлар чиқаради;
- ходимларни ўқитиш бўйича чора-тадбирлар режаларини тасдиқлайди;
- акциядорларнинг ижро органи фаолиятига оид сўровлар бўйича бошқа зарур материаллар ва таклифларни тайёрлайди, уларни кўриб чиқиш учун тақдим этади;
- амалдаги қонунчилик ва жамият уставига мувофиқ Директор ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳал қилади.

ХII. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ЙИРИК БИТИМЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

12.1. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг **ўн беш фоизидан ортигини ташкил этса**, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

12.2. Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди. Жамият мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

ХIII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛК ОЛИШИ ЁКИ УНИ ТАСАРРУФДАН ЧИҚАРИШИ БИЛАН БОГЛИК ЙИРИК БИТИМЛАРНИ ТУЗИШ

13.1. Баланс қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда Кузатув кенгашининг таркибдан чикиб кетган аъзолари овози ҳисобга олинмайди.

13.2. Йирик битим тузиш масаласида Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Кузатув кенгаш Қарорига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

13.3. Битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари баланс қийматининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши юмонидан йиғилишда қатнашаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

13.4. Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

ХIV. ЖАМИЯТНИНГ БИТИМ ТУЗИШИДАН МАНФААТДОРЛИГИ

14.1 Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилиланган шахслар деб эътироф этилади.

Қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

1) жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

2) жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

3) ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият директорининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

4) жамият қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

5) жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

6) жамият устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айна бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

7) жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи айна бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

8) жамиятнинг директори бўлган айна бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

9) яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

10) жамият директори яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камида учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

11) жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

Қуйидагилар жамиятнинг аффилиланган шахси бўлган акциядор — жисмоний шахснинг аффилиланган шахслари деб эътироф этилади:

1) ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс

устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

2) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

3) ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

14.2. Аффилиланган шахс жамият билан битим тузишда аффилиланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳақидаги маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган ҳолда ёзма билдириш юбориш орқали жамиятни хабардор этиши шарт.

14.3. Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборот жамиятнинг ижроия органи ва ички аудит хизмати (агар у мавжуд бўлса) томонидан ўрганилади. Жамиятнинг ижроия органи томонидан ўрганиш ёзма билдириш олинганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади. Жамиятнинг ижроия органининг қарорига кўра мазкур битимни ўрганишга қўшимча равишда жамиятнинг бошқа ходимлари жалб қилиниши мумкин.

14.4. Жамиятнинг ижроия органи жамият кузатув кенгашини аффилиланган шахс билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижалари баённомасини илова қилган ҳолда ёзма шаклда хабардор қилади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши аффилиланган шахс билан тузиладиган битим тўғрисидаги ахборотни ўрганади ва аффилиланган шахснинг ёзма билдириши жамиятга келиб тушган санадан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай битим бўйича қарор қабул қилади.

Агар жамият кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилиланган шахс бўлса, битим бўйича қарор ушбу Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг аффилиланган шахси жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур битим юзасидан қарор қабул қилаётганда муҳокамада иштирок этишга ҳақли эмас ва овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Аффилиланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамиятнинг ижроия органи тузилиши кутилаётган битим тарафини аффилиланган шахс билан тузилаётган битим бўйича қабул қилинган қарор ҳақида ёзма шаклда хабардор қилади.

Агар аффилиланган шахс билан тузилаётган битим айти бир вақтда йирик битим бўлса, битимни тузиш тартибига «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг [8-бобида](#) белгиланган йирик битим тузишга доир қоидалар қўлланилади.

Жамиятнинг кузатув кенгаши ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.

14.5. Аффилиланган шахс билан тузилган битим бўйича низолашиш, Аффилиланган шахс билан тузилган битим натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 90, 91 моддаларига асосан хал қилинади.

XV. ФИЛИАЛЛАР ВА ВАКОЛАТХОНАЛАР, ШЎЪБА ВА ТОБЕ ХЎЖАЛИК

ЖАМИЯТЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

15.1. Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкин. Улар ўзларини ташкил этган Жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва Жамият тасдиқлаган уставлар асосида иш кўради.

15.2. Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари Жамият томонидан тайинланади ва Жамият берган ишончнома асосида иш кўради.

15.3. Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган Жамият зиммасида бўлади.

15.4. Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шуъба ва тобе хўжалик жамиятларга эга бўлиши мумкин.

15.5. Шуъба хўжалик жамияти Жамият қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

15.6. Жамиятнинг шуъба хўжалик жамиятига бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шуъба хўжалик жамиятнинг уставида кўзда тутилган тақдирда Жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

15.7. Шуъба хўжалик жамияти Жамиятнинг айби билан ночор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда Жамият шуъба хўжалик жамиятнинг қарзлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Жамият шуъба хўжалик жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, юқорида айталган ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шуъба хўжалик жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишни кузлаб фойдаланган ҳоллардагина шуъба хўжалик жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) Жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади. Шуъба хўжалик жамият акциядорлари Жамиятдан унинг айби билан шуъба хўжалик жамиятга келтирилган зиённи тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Жамият шуъба хўжалик жамиятнинг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида зиён қилишини олдиндан билиб, уз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шуъба хўжалик жамиятнинг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кузлаб фойдаланган ҳолдагина зиён Жамиятнинг айби билан келтирилган деб ҳисобланади.

XVI. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

16.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

16.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

16.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкӣ манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

16.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

XVII. ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

17.1. Жамият:

- Жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтаказилган ўзгартириш ва кўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани;

- Жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Жамиятни бошқаришнинг бошқа органлари тасдиқлайдиган ҳужжатларни;
- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси хақидаги низомни;
 - йиллик молия ҳисоботини;
 - эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;
- акциялар эмиссияси рисоласини;
- бухгалтерия ҳисоб-китобига доир ҳужжатларни;
- тегишли органларга тақдим этиладиган молия ҳисоботига доир ҳужжатларни;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши баённомалари, ижроия органи томонидан чиқарилган буйруқларни;
- жамият аффилиланган шахсларининг уларга карашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини;
 - жамият акциядорларининг реестрларини;
- аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари ва ҳисоботларини, назорат килувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини саклаши шарт.
- Жамият қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам саклаши шарт.

XVIII. АКЦИЯДОРЛАРГА ЖАМИЯТ ҲУЖЖАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТИНИ БЕРИШ ВА ЖАМИЯТ ТУҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

18.1. Жамият Уставнинг 17.1. бандида назарда тутилган ҳужжатлардан акциядорларнинг фойдаланиш имкониятини таъминлайди, бундан бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатлар, кузатув кенгаши мажлисларининг баённомалари, шунингдек жамият директорининг буйруқлари ва жамият акциядорларининг реестри мустасно.

18.2. Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга ушбу Қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

18.3. Жамият сўралаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

18.4. Акциядорлар жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

18.5. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

XIX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

19.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва қайта тузиш тарзида амалга оширилади.

19.2. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан жамият 30 кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда хабардор этади.

19.3. Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.

19.4. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишининг ҳукмига Жамиятни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани ҳавола этади.

19.5. Ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда Жамият акциядорларнинг умумий

йиғилиши тугатиш тўғрисида ва рўйхатга олишни амалга оширувчи орган билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

19.6. Жамият суднинг қарори билан тугатилганда тугатиш комиссиясини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

19.7. Тугатиш комиссияси тайинланган пайтдан эътиборан Жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар тугатиш комиссиясига ўтади. Тугатиш комиссияси Жамият номидан судда иштирок этади.

19.8. Тугатиш комиссияси юридик шахсларни рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинадиган матбуот органларида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қилади.

19.9. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин ёки агар тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтида Жамият кредиторлар олдида ҳеч қандай мажбуриятларга эга бўлмаса, Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатиш комиссияси томонидан акциядорлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тўғрисида» ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартиб бўйича тақсимланади.

19.10. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувларни киритиб қўйган пайтдан эътиборан Жамиятни тугатиш таъминланган, Жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади.

XX. БОШҚА ҚОИДАЛАР

20.1. Жамиятнинг Ушбу уставига ўзгартириш ва қўшимчалар амалдаги қонунчиликка биноан Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарори билан, ушбу уставда белгиланган ҳолларда эса - Жамият Кузатув кенгаши томонидан киритилади.

20.2. Жамиятнинг юридик ва жисмоний шахслар билан низолари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан суд органлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан ҳал қилинади.

20.3. Ушбу устав амалдаги қонунчиликка биноан давлат рўйхатидан ўтказилган пайтидан бошлаб кучга киради.



Adliya vazirligi

To'lanmagan



ARIZA RAQAMI
2218836

Qabul qiluvchining ismi: Давлат хизматлари маркази - Yakkasaroy tumani

Qabul qiluvchining bank kodi (MFO): 00014

Qabul qiluvchining hisobi raqami: 23402 00030 01000 01010

Hisob raqam: 40142 28604 26287 34221 99255

To'lov ma'lumotlari: ID:97962393633800, Перерегистрация Общество с ограниченной ответственностью (в явочном порядке), KIM OLEG VLADIMIROVICH, Давлат хизматлари маркази - Yakkasaroy tumani

Invoys raqami 9796 2393 6338 00 To'lov miqdori 330 000 sum

Bank kassalari orqali "Munis" tizimida to'lov 204 xizmati orqali amalga oshirilishi lozim

01110 3-чак амал кассаси 230/79
2/30#18.07.2023 11:35#00014
23402000300100001010#Центр
государственных услуг Дог №:2-
8#KIM OLEG

хабарнома

VLADIMIROVICH#97962393633800

#Сумма: *330000.00#КОММИССИЯ:

0.00#Сумма к-оплате:

0.00#Кассир



Молия Вазирлиги Ягона Газна ҳисобвараги	
туловни олувчи муассасанинг номи	
Банк муассасаси	ТОШКЕНТ Ш., МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ТОШКЕНТ ШАХАР ХИС
Туловни олувчининг х/р	23402000300100001010
БММ рақами	00014
KIM OLEG VLADIMIROVICH	
фамилияси, исми ва отасининг исми	
яшаш манзили	
08201~4014228604262873422199255~Оплата за KIM OLEG VLADIMIROVICH 97962393633800 , МУНИС session id=3753	
Предьдущее показание счетчика:	Текущее показ. счетчика:
Туловчи имзоси	жарима жами 330 000,00